

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 81 (1680), 2026 йил 24 апрель, жума



## ҲАР БИР ЛОЙИҲА, ҲАР БИР ТАШАББУС ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманига ташриф буюриб, туман ҳокимлиги фаолияти, жойлардаги бунёдкорлик ва инфратузилмани ривожлантириш ишлари билан танишди.



Президентимиз ташрифни Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигининг биноси ва унга туташ ҳудуддаги ободонлаштириш ишлари билан танишишдан бошлади. Дастлаб Салар канали устида қурилган ва яқинда таъмирланган кўприкни кўздан кечирди. Жараёнда ҳудуддаги кўкаламзорлаштириш ишлари билан яқиндан танишиб, эзгу анъанага кўра кўчат экилди.

Баҳор ёмиридан сўнг гуллар, яшил олам янада тиниқлашган. Улар ҳам кўп миллатли халқимиз каби ҳаётга кулиб боқаётгандек. Айниқса, ҳокимлик биносига уйғун ҳолда кўзга ташланган яшил ҳудудда ўзгача шухук ҳукм сурмоқда. Салар каналига яқин жойдаги болалар майдонига ўғил-қизларнинг қувноқ кулгиси эшитилди. Ушбу ажиб манзара беихтиёр яқин тарихни эслатади. Бугун янги Ўзбекистоннинг ёш авлоди ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етпти. Улар ҳар томонлама етук бўлиб ўлгайиши учун боғчадан олий таълимгача бўлган узлуксиз ўқитиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Иқтисодий-ижтимоий масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган бўлди. Бундай кенг кўламли янгиланишлар ўз-ўзидан амалга ошгани

йўқ, албатта. Бу ўзгаришлар мамлакат етакчисининг узоқ йиллардан буён қалбда сақланган орзу ва интилишлари, шунга монанд пухта ўйланган режалари самарасидир.

Давлатимиз раҳбари 1992-1996 йилларда Мирзо Улуғбек тумани ҳокими лавозимига фаолият юритган. Бу халқимиз ижтимоий-иқтисодий синовни бошдан кечириб ўтган палла эди. Ушунда фидойи, халқларвар етакчининг саяёҳаракатлари туфайли туман ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланди.

Президентимизнинг туман ҳокими бўлиб ишлаган кезлардаги кабинети ўша давр қиёфасида тикланди. Хотираларни ёдга солувчи хизмат машинаси намойиш этилди. Мамлакатимиз етакчисининг туман ҳокими сифатида қабул қилган энг муҳим қарорлари матни кўргазмага қўйилди. Давлатимиз раҳбари уларни кўздан кечирар экан, эсдаликлари билан ўртоқлашди.

Дарҳақиқат, бугун янги Ўзбекистонда ҳокимлик, умуман, давлат идоралари бутунлай янгича қиёфа касб этди. Улар халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган

қатъий қараш билан фаолият юритмоқда. Буни Мирзо Улуғбек тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туман ҳокимлиги биносига бошқарув ва хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратилган.

Шу пайтгача туманда жамоат хавфсизлиги, транспорт, ижтимоий ёрдам, коммунал хўжалиги, молия ва банк каби 30 та ташкилот ўз йўналиши бўйича алоҳида-алоҳида, тарқоқ ишлаётган эди. Ягона тизим йўқлиги аҳоли муносабатини тезкор ҳал қилишга халал берар, ортинча вақт ва сарсонгарчиликка сабаб бўлар эди.

Ҳокимликда вазиятлар маркази ташкил этилди. “Ақли туман” платформаси ишлаб чиқилди. У сунъий интеллект асосида ҳолатни таҳлил қилади. Муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал этишга қаратилган чораларни тақдим этади. Муҳими, тумандаги барча маҳалла вакиллари билан онлайн мулоқот қилиш мумкин. Бу вазиятдан мунтазам хабардор бўлиш имконини беради. Шунинг ўзиёқ масалаларни жойида, аниқ таҳлил ва тўғри ечим орқали ҳал этишга хизмат қилади.

Шунингдек, янги тизим орқали ижтимоий ва коммунал муаммолар ҳам

мониторинг қилинади. Айни пайтда аҳоли муносабатини ижросини назорат қилиш имконини беради. Фавқулодда ҳолатларда тегишли хизматлар фаолияти тезкор бошқарилади ва мувофиқлаштирилади.

Платформа таркибиди “Хавфсиз туман” тизими ҳуқуқбузарликларни мониторинг қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Тадбиркорлик субъектларининг рақамли харитаси сунъий интеллект таҳлили асосида солиқ тушумларини прогноз қилиш ва уларнинг йиғилувчанлигини таъминлашга қаратилган. “AI Davomat” тизими эса мактабларда сабабсиз дарс қолдириш ҳолатларини бартараф этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, янги Ўзбекистондаги бошқарув тизими замонавий қиёфадаги янада халқчил тизимга айланиб бораётган десак, муболага бўлмайди. Бундай платформалар Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Олмасор туманларида ҳам ишга туширилди.

Президентимиз вазиятлар маркази фаолияти билан танишиб, ушбу янги тизимнинг пойтахтнинг қолган туманларида ҳам жорий этишга топшириқ берди. Барча вилоят ҳокимлари, прокурорлари, ички ишлар, хавфсизлик ва солиқ идоралари раҳбарлари Мирзо Улуғбек туманига келиб, ушбу янги тизимни ўрганиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Албатта, хавфсиз ва осуда Ватан бағрида ҳаёт шиддати бир сония ҳам сусаймайди. Айниқса, замонавий шаҳарларда туризм кўчаларининг муттасил ишлаши иқтисодий кўрсаткичлар ошишига хизмат қилади. Шу боис, сўнгги йилларда гастрономик кўчалар кўпайиб бормоқда.

Президентимизнинг навбатдаги манзили Мирзо Улуғбек туманидаги Ўзбекистон овози кўчаси бўлди. Бу ерда мамлакат етакчиси гастрономик туризм кўчаси фаолияти билан танишди.

Туризм аллақачон иқтисодиёт драйвери айланиб бўлди. Чунки у ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали кам харажат эвазига катта даромад келтиради. Тошкент шаҳрида бундай истиқболли лойиҳалар учун катта имкониятлар бор. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида мазкур салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу вақтгача Ўзбекистон овози кўчаси оддий, кўрimsизгина йўлак эди. Сўнгги йилларда ортирилган тажриба сабаб кўчада бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Ушбу лойиҳага давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички

туризм хизматларини диверсификация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Натижада кўча мамлакатимиздаги туризм ва сервис соҳаларини ривожлантиришга қаратилган эътиборнинг амалий инфодасига айланди. Ушбу лойиҳа Россиянинг “City Makers” ва “Люди Архитектс” бюrolари томонидан ишлаб чиқилиб, 2025 йил сентябрда ишга туширилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллиард сўм. Унда 165 та савдо объекти фаолият юритмоқда. Шундан 89 таси узлуксиз ишлаш тартибига ўтган. Натижада 2221 та янги иш ўрни очилган.

Кўчанинг умумий узунлиги 2,1 километр. Бу ерда замонавий инфратузилма яратилган. Жумладан, пиёдалар ва велосипедлар учун кенг йўлақлар барпо этилган. Аҳоли ва сайёҳлар учун қулай шароит мавжуд. Селфи ҳудудлари, очик спорт майдончалари ташкил этилган. Шунингдек, оилавий дам олиш масканлари, болалар учун экомайдончалар ва арқонли бог фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари кўча бўйлаб юрар экан, замонавий услубда таъмирланган хонадонлар, обод кўчалар ва аҳоли учун яратилган шароитларни кўздан кечирди, аҳоли билан самимий суҳбатлашди.

Шу ернинг ўзида Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи туризм ва гастрономик кўчаларда қилинган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Қайд этилганидек, 2025 йилдан пойтахтда 26 та кўча туну кун фаолият юрита бошлади. Бу ишларга 540 миллиард сўм йўналтирилди. Натижада 1103 та янги савдо ва сервис объекти ташкил этилиб, 315 та тадбиркорлик субъекти 24/7 режимида ишлаб бошлади. Муҳими, 26 та хорижий бренд фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай ишлар иқтисодий ўсишга сабаб бўлиши табиий. Жумладан, кўчаларда турли хизматлардан фойдаланувчилар сони суткасига 80 мингдан 200 мингга етди. Бунинг ортидан 6000 юртдошимиз ишли бўлди.

Жорий йилда марра янада баланд олиниб, режалар ишлаб чиқилган. Унга кўра, яна 18 та янги туризм кўчаси ташкил этилади. Шу орқали 500 та янги объектни ишга тушириш ва 7000 тагача янги иш ўрни очилди ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Мирзо Улуғбек туманида гастрономик туризм кўчаларини янада кўпайтириш, имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича масъулларга топшириқлар берди.

Туманда янги бунёд этилган “Pavilion” савдо мажмуаси фаолияти билан ҳам танишилди.

Мазкур мажмуа — бугуннинг айна талаби. Чунки ҳозир мамлакатимиз кенг қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Шаҳару қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш мажмуалари — буларнинг барчаси қурилиш материалларига талабни оширмоқда. Харидор қурилиш молларини қаердан олади? Албатта, бозордан, шундай мақсулотлар сотишга ихтисослашган дўконлардан. Лекин улар турли ҳудудларда жойлашган бўлиши мумкин. Бу эса харидорга вақт ва маблағ нуқтаи назардан ноқулайлик тудиради. Мазкур мажмуа айнан шундай ноқулайликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қиймати 25 миллион долларлик, 4,6 гектар ҳудудда барпо этилган савдо мажмуаси бошқа турдошларидан замонавий ёндашувлари билан фарқланади. Буни ўзига хос кластер тизимига ҳам қиёшлаш мумкин. Хусусан, уч қаватли савдо марказида қурилиш соҳасидаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, расмий дилерлар ва ушбу йўналишда хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини бирлаштирувчи экотизим барпо этилган.

Давлатимиз раҳбарига мажмуа фаолияти ва имкониятлари ҳақида ахборот берилди. Президентимиз қурилиш мақсулотлари дўконларини кўздан кечирди.

— Халқимизнинг турмуш тарзи яхшиланиб, истаклари ортаётти. Бу каби савдо мажмуаларида миллий мақсулотларимизга кўпроқ ўрин бериш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш ва логистикани тўғри йўлга қўйиш лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Тошкентнинг тарихий ўн иккита дарвозаси бўлганини эслаб, бугун пойтахт атрофида ҳам шундай, турли йўналишларга ихтисослашган замонавий савдо марказларини кўпайтириш зарурлигини айтди.

42 минг квадрат метрдан иборат 500 та савдо дўкони йилга 3 миллионгача харидорга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бу ерга келган харидорлар барча дўконни айланиб, вақт йўқотмайди, мақсулот танлашда қийналмайди. Чунки марказга келувчиларга, аввало, лойиҳадан тортиб, мақсулот танлашга ва харидор танлови қанча маблағ ташлаб этишигача бўлган жараён сунъий интеллект ёрдамида тезкор аниқлаб берилади.

► Давоми 2-бетда

### ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА ТУРКИЯ БИЛАН ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мудофаа вазири Шухрат Холмухамедовнинг Туркия билан ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботини тинглади.

Учрашувда Туркия Республикаси Қурултай Кучларининг юқори мартабали вакили ҳам иштирок этди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида икки мамлакат мудофаа идоралари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ҳарбий-техник ҳамкорлик изчил ривожланиб, жумладан, идоралараро алоқалар кенгайиб бораётгани, қўшма тадбирлар ташкил этилиб, ҳарбий мутахассислар тайёрланаётгани алоҳида қайд этилди.

Ҳарбий соҳадаги шерикликни янада чуқурлаштириш борасидаги интилиш қатъий экани таъкидланди.

ЎЗА

### МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТ

ТУЗИЛМАЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИ СТРАТЕГИК ЕЧИМЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг тақлифига биноан Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши йиғилишида иштирок этиш учун 21-22 апрель кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлди.

► Давоми 2-бетда

## ТАМАДДУН тафаккури

Бугун газетаимизнинг махсус саҳифалари орқали Самарқанд вилояти Пайариқ туманида қайтадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуаси ҳақида ҳикоя қиламиз. Мажмуа юксаклик ва етуқлик рамзи, бунёдкорлик салоҳияти тимсолига айлангани, у ердаги инновацион музей — маърифатнинг боқий манбаи сифатида буй кўрсатгани мақоалалар мазмунини ташкил этади. Шунингдек, тарбия ва ибрат масканининг барпо этилиш хронологияси ҳамда хорижий меҳмонлар эътирофи билан танишасиз.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news

## ҲАР БИР ЛОЙИҲА, ҲАР БИР ТАШАББУС ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

### Бошланиши 1-бетда

Одатда бу жараён, яъни таъмир ёки қурилиш архитекторлар ёрдамида лойиҳалаш, қурилиш маҳсулотлари харид қилиш, унга қурувчи усталар топиш учун 15-20 кун вақт кетади. Бу ерда эса малакали мутахассислар сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда ушбу ишни бир неча дақиқада бажаради.

Мажмуа фаолияти йўлга қўйилиши ҳисобига 2000 та янги иш ўрни очилди. Бу ерда, асосан, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилди. Харидорларга юқори сифатни таъминлаш ва қулайлик яратиш мақсадида қурилиш маҳсулотлари савдоси билан бир қаторда объектлар қурилиши ёки таъмири учун дизайн-лоийҳалаш ҳамда профессионал таъмирлаш, маслаҳат бериш хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

— Мижоз 500 та дўконни айланиб, ҳаммадан нарх сўраб, вақт йўқотиб юрмайди. Биргина тизим орқали ҳаммасини солиштириб, ўзинга энг кераклик ёки маъқул бўлган нарх ҳамда бренддаги материалларни танлаб олаверади, — дейди мажмуанинг маркетинг бўйича директори Зафар Азимов. — Қолаверса, бу ерда дизайн, архитектура, ҳамма турдаги таъмирлаш ва ҳужжатлаштириш ишлари ҳам кўмак берилади. Мижозларнинг айнан қайси маҳсулотга қизиқишига қараб мутахассислар бириктирилади. Бу харидорлар учун ҳам, павильонда ижара асосида ишловчи тадбиркорлар учун ҳам қўшимча қулайлик туғдиради.

Инсон қадрини улуғлаш янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг муҳим ва устувор мезонидир. Бу ҳар жабҳадаги янгиланишлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, маҳаллалардаги юксалишларда ўз аксини топмоқда. Президентимиз қаерга ташриф буюрмасин, ислохотлар марказига айланган маҳаллаларга бориб, одамлар билан дилдан суҳбатлашади. Уларнинг кайфияти, яшаш шароити билан қизиқади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Давлатимиз раҳбари туманинг Богимайдон маҳалласида бажарилаётган ишлар билан танишди. Богимайдон маҳалласи янгиланишлар натижасида мутлақо янгича қиёфа касб этган. 1987 йилда ташкил этилган маҳаллада ҳозир 41 та кўп қаватли уй, 1990 та хонадон мавжуд бўлиб, қарийб 5500 киши истиқомат қилади.

Худудда 20 та болалар ўйингоҳи, 11 та воркаут майдончаси, 3 та мини футбол майдони ва теннис корти барпо этилган. 2 та мактабгача таълим ташкилотига қарийб 500 бола қамраб олинган.

Маҳаллада иқтисодий фаолликни ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунда худудда фаолият юритаётган 70 дан зиёд тадбиркорлик субъекти муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, маҳалладаги 1048 йигит-қиздан 949 нафарининг бандлиги таъминланган.

Худудда яшилликни асраш ва кенгайтиришга ҳам эътибор қатнади. Шу мақсадда 2022 йили экобоғ ташкил этилган. Қарийб 4500 туپ дархат экилган ушбу боғ бугун кексаю ёш учун сеvimли дам олиш масканига айланган. Шунингдек, маҳаллада ижтимоий муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган “Нуронийлар маскани” ҳам фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича бажарилаётган ишлар тақдироти билан танишди. Бугун турар жойлар кириш қисми кузатув камералари ва қўриқлаш пулти билан жиҳозланган. Худудга кириб чиқувчилар ва автотранспорт воситалари замонавий технологиялар асосида назорат қилинмоқда.

Президентимиз аҳоли учун яратилган шароитни кўздан кечириб, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллар билан мулоқот қилди. Обод ва файзли маҳалла жамият таянчи эканини таъкидлаб, тинчлик, ҳамжиҳатлик ва ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш доимо устувор вазифа бўлиб қолишини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада ташкил этилган сумалак сайлида иштирок этиб, маҳалла аҳли ва болажонлар билан суҳбатлашди. Шунингдек, спорт майдончасида шугулланаётган ёшлар билан учрашиб, жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзининг баркамол шахс бўлиб вояга етишдаги аҳамиятига алоҳида тўхтади.

**Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,  
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

## ҲАЁТ БОҒИНИНГ ТАРОВАТИ

### Маҳалла ўзгарса — жамият ўзгаради

Риштон тумани хусусида гап кетганда, кўпчиликнинг кўз олдига моҳир кулоллар ва улар ясаган буюмлар келади. Бу бежиз эмас, албатта. Қарийб 800 йиллик тарихга эга сопол буюмлар дунё ҳамжамияти тараққиётига муносиб ўрин эгаллаб келаётган санъат асарлари сифатида эштироғу этилади. Шу боис, бу заминда гўзалликка иштиқманлар жуда кўп. Аммо қалби ва нияти эзгу бўлмаган инсон чиройли буюмлар, кўзни қувнатувчи ашёлар яшати амри маҳол. Асл ҳақиқат эса меҳнат ва изланишда. Кимдир тирикчилик қайғуси билан яшаса, бошқа бири тотув ҳаёт оғузманди. Буларнинг барчаси маҳалла деб аталмиш табаррук кўргондаги кундалик юмушлардан. Одамлар баъзан қувонч, баъзан маъзулик билан маҳаллага юзланади, маҳалладошларига суянади.

“Деҳқонobod” маҳалла фуқаролар йиғини мамлакатимиз тараққиётига ҳамроҳанг ривожланиётган масканлардан. Бу ерда кулолчилик анъаналаридан ташқари, тадбиркорлик, томирқаччилик, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб, янги иш ўринлари очилмоқда, қўшимча даромад манбалари кўпаймоқда.

Дилшоджон Мавлонов томирқачи гул етиштириб, кўпга намуна бўлиб келаётган ёшлардан. Хонадонига киришингиз билан анвойи гуллар ифори димоғни қитқайди, турфа ранглар кўзингизни олади. Аввалга шунчаки қизиқишдан бошланган лойиҳа Дилшодни йирик тадбиркор, оилавий корхона раҳбари сифатида элга танитди. Ёш ишбилармон “маҳалла еттилик” қўллаб-қувватлови билан иштиёзли кредит олди. Замонавий иситиш тизимларини ўрнатди, йил давомида сархил кўчатлар етиштириш имкониятига эга бўлди.

— Мавсумда 8-10 минг туپ арча, 100 минг тулдан зиёд ландшафт ва декоратив гуллар, 100 минг тулдан ортиқ мевали дархат кўчати, 20 минг тулга яқин кузги гул етиштириб, бозорларга чиқарамиз, — дейди “Шамшод Файз Барака 2021” оилавий корхонаси раҳбари Дилшод Мавлонов. — Ҳар бир гул турининг ўзига яраша “фелъ-атвори” бор. Уругини экиб, парваришлаб, экиш учун тайёр ҳолга келтиргунча ҳар бири билан дўстлашиб кетади одам. Хри-зантема, газания, салвия, петуния сингари кўзни яншатувчи гуллар кўча, хибоблар, дам олиш масканларига ўзгача кўрк, улугворлик бериб турганини кўриб, чарқочни унутиб, янги гул турларини кўпайтиришга ошқаман.

Халилжон Гадибоев ҳам шу маҳаллада яшайди. “Ўрмонжон ҳожи”

боғдорчилик фермер хўжалиги негизига 80 сотих майдонда асосан атиргул етиштиради. Шу билан бирга, бу ерда мевали ва манзарали дархатлар ниҳоли ҳам бисёр.

— Хўжалигимизда 12 навли 15 минг туپ атиргул ниҳоли, 20 хилга яқин мевали дархатлар бор, — дейди боғбон. — Атиргул апрелнинг охирида гунчалайди ва соғувага тайёр бўлади. Йил давомида 80-90 минг дона гул қаламчаси сотамиз. Туман марказида гул дўкони ҳам очганмиз. Шу боис, гунчаси узок вақт сақланадиган атиргул турларини олиб келаямиз. Уларни парваришлаб, кўпайтиришда замонавий технологияларни қўллаш ва илмий асосда ёндашишга ҳаракат қиламиз. Жорий мавсумда гул гунчаларини иссиқ ҳароратдан сақлаш технологиясини қўлай бошладик. Бу усул иссиқ об-ҳаво шароитида ҳам сархил кўч гунчаларини етиштиришда кўл келади.

Боғбон барпо этган боғлар ҳавасингизни келтиради. “Яқинда меваларимиз пишади, меҳмонга келинлар”, дейди у самимият билан. Ғарқ пишган шафтоли то таъми тиллар қандақ ўрик, ақиқ лабларга қиёс қилинувчи гилос сингари сархил меваларини кўз олдимишга келтирамиз. Боғ сайлига ана келиш истганини баён қилиб, боғбон билан хайрлашамиз.

Ўрмонжон Уриновнинг “Ботаника боғи”да бўлди. Боғ қўйнида баравж ўсаётган турфа ноёб дархатлар ҳавасингизни келтиради. Кексалikka бўйин бермай келаётган Ўрмонжон ака гўзаллик шайдоларидан. Жилдираб оқаятган ариқ устига арча гуддаларидан бежирим композиция асосида мўъжаз кўприк қурибди. Унга монанд тўрт-беш чоғли киши бемалол сиғадиган айвонли уй, стол-

стол эштиборингизни тортади. Сўрилар ёғоч ва шохлардан ясалган, уларга арча гуддалари, дархат пўстлогни билан безак берилган. Жиҳозларни ясада бирорта мени ёки бошқа темир ашё ишлатилмаган. Боғда лола, қоғоз дархати, эман, оқ қайин, арча сингари манзарали дархатлар табиий усулда парваришланган. Буларнинг энг ноёби Фаргона шаҳридаги Марғилонсой қирғоғида ўсаётган, ўз тури бўйича Марказий Осиёда ягона бўлган Америка ботқоқ кипарисини ёдга солади. Соғ қирғоғига 1895 йили экилган, айни дамда 130 ёшдан ошган дархат “Қизил китоб”га киритилиб, давлат муҳофазасига олинган. Эл орасида “ботқоқ маликаси” номи билан машҳур дархат энди маҳалланинг ботаника боғида табиий шароитда баравж ривожланипти.

— Айни дамда 50 хилдан ортиқ дархат ва буталар ўсаяпти, — дейди Ўрмонжон ота. — Бу ерга кўплаб экологлар, агрономлар, табиатшунослар, мактаб ўқувчилари келади. Дарслар ўтилади. Келганлар ноёб дархатларни ўз кўзи билан кўриб, ўрганади. Ниҳолларни экиш даври, уларнинг вегетация жараёнини тадқиқ қилади. Имкон қадар ноёб турларни кўпайтириб, юртимизни ашиликка буркашга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

— Деҳқонobod — шунчаки маҳалла эмас, бир оила. Бу ерда ҳар бир инсоннинг дарди ҳам, қувончи ҳам бирдек бўлиниди. Меҳрибон опа-акалар, дуоғу оталар-оналар, келажак эгалари бўлган ёшларнинг барчаси маҳалламизнинг бойлиги, — дейди фуқаролар йиғини раиси Шухратжон Хайдаров. — Маҳалламиз минг йиллик тарихга эга. Худудда ўтказилган археологик қазималар вақтида

қадимий кулолчилик қолдиқлари, осоратикалар топишган. Кейинги йилларда нафақат кулолчилик ва ҳунармандчилик, балки боғдорчилик, кўчатчилик, гулчилик, иссиқхонада сабзавот етиштириш ҳам даромадли соҳалардан бирига айланди. Бугунги маҳалла фаолиятининг аввали тузилмани билан қиёслаб бўлмайди. Энди ҳаммаси бошқача: иш шароитимиз яшиланди, ваколатларимиз кенгайди. Одамларни тинглаб, муаммоларини ҳамжиҳат бартараф этиш чораларини кўраёмиз. Асосий мақсадимиз — аҳолининг бутундан рози бўлиб яшашига эришиш, эртанги кунга ишончини ошириш. Шу кунга қадар сугорма сув таъминотини яхшилаш мақсадида битта тик қудуқ қазилди. Электр таъминотини яхшилаш учун эса учта янги ТП, 136 та бетон таянч устуни ўрнатилиб, 5 километрдан ортиқ электр сим тортилди. Уч километрга яқин ички йўл асфальтланди. Илгари маҳалламизда мактабгача таълим ташкилоти йўқ эди. Ҳозир иккита нодавлат боғча фаолият юритаяпти.

Қийналганларга суянчиқ бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан. Кейинги йилларда бу қадриятимиз янада ривожланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга манзилли ёрдам кўрсатиш кўлами кенгайди. Қисқа муддатда бу йўналишда кўплаб амалий ишларга кўл урилиб, масалаларга ечим топиламоқда.

— Маҳалламизда ногиронлиги бўлган 38 шахсга хизмат ва ёрдам кўрсатиб келинади, — дейди ижтимоий ҳимоя ходими Бироҳиლა Қодирова. — Барча масала хонадонбай ўрганилиб, эҳтиёжманларга ногиронлар аравачаси, ортопедик пойабзал ва протез, ҳасса, функционал кресло-аравачалар ва махсус матрас сингари жиҳозлар етказиб берилди. Бундан ташқари, 80 ёшдан ошган ва оиласида ногиронлиги бўлган шахслар парваришига ишсиз фуқаролар бириктирилди. Ўтган йилнинг ўзида 80 дан ортиқ оилага турли кўринишдаги моддий-маънавий ёрдам берилди, кўллаб-қувватланди.

Деҳқонobod маҳалласида ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан баҳра олиб, обод ва фаровон ҳаёт иштиёқи билан яшаётган кишилар кўп.

**Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТ

ТУЗИЛМАЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИ СТРАТЕГИК ЕЧИМЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРДИ

### Бошланиши 1-бетда

Бугунги глобал экологик кун тартиби нафақат халқаро ҳамкорликнинг алоҳида йўналиши, балки жаҳон сиёсати ва барқарор ривожланишнинг асосий ўлчовларидан бири сифатида шаклланди.

Иқлим ўзгариши кучайиб бораётган, табиий ресурслар танқислиги тобора сезилаётган мураккаб бир шароитда давлатларнинг стратегик ечимлар таклиф қила олиши ва самарали ҳамкорлик моделларини йўлга қўйи олиши уларнинг халқаро майдондаги ҳақиқий ўрнини белгиламоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг роли тобора яққол намоён бўляпти. Бунга мазкур йўналишда пухта ишлаб чиқилган амалий стратегия таклиф этилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Соҳа мутахассислари эштироғу этаётганидек, Ўзбекистон ташаббускорлик, прагматизм ва халқаро кооперацияга асосланган минтақавий ҳамда глобал етакчилик моделини илгари сурмоқда.

Президентимиз БМТ минбаридан Марказий Осиё экологик кун тартибининг ягона, ўзаро боғлиқ ҳудуд сифатида илгари суришни тизимли давом эттирмоқда. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси сессияларидаги нутқларида ургу нафақат маҳаллий муаммолар, балки сув хавфсизлиги, ер деградацияси ва иқлим ўзгаришлари оқибатлари бўйича жамоавий масъулият зарурлигига қаратилмоқда.

Бу ёндашув халқаро иқлим форумларида изчил давом эттирилди. Хусусан, 2024 йилда Озарбайжоннинг Боку шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадди конвенцияси томонлари конференциясининг 29-сессиясида (COP29) ҳам қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилган.

2025 йил январда Абу-Дабида ўтказилган Барқарор ривожланиш ҳафталиги саммитида ҳам Президентимиз янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтиш эканини маълум қилганди.



**Алишер САЛОМОВ,  
Экология ва иқлим ўзгариши  
миллий қўмитаси раиси  
маслаҳатчиси**

Ўтган йили Самарқандда ўтказилган халқаро иқлим форуми Ўзбекистоннинг самарали мулоқот майдони сифатидаги

мақомини мустаҳкамлади. Бу эса мамлакатимизнинг глобал экологик муҳокамаларда ташкилотчи ва модератор сифатида иштирок этаётганини кўрсатади.

Аҳамиятлиси, Ўзбекистон фақат ташқи фаоллик билан чекланиб қолмаяпти. Мамлакат ичида ҳам экологик сиёсатни тубдан трансформация қилиш жараёни изчиллик билан амалга оширилмоқда. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни бошқариш ва биохилма-хилликни сақлаш бўйича стратегик ҳужжатлар қабул қилинган.

Бу йўналишда қатор йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, биргина “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ўтган даврда қарийб 1 миллиард туپ дархат ва бута экилди. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзор барпо этилиб, янги “яшил белбоғ”лар яратилмоқда.



“Ўзбекистон фақат ташқи фаоллик билан чекланиб қолмаяпти. Мамлакат ичида ҳам экологик сиёсатни тубдан трансформация қилиш жараёни изчиллик билан амалга оширилмоқда. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни бошқариш ва биохилма-хилликни сақлаш бўйича стратегик ҳужжатлар қабул қилинган.

### Нуқтаи назар

Президентимиз Остона саммитидаги нутқида қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Бу ташаббуслардан маълум бўлдики, Ўзбекистон нафақат ўз муаммоларини ҳал қилишда жонбозлик кўрсатмоқда, балки бутун минтақа учун экологик кун тартибидеги етакчиға айланмоқда.

Атмосфера ҳавоси сифати ёмонлашаётган шароитда “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” давлатлараро консорциумини таъсис этиш ана шундай ташаббуслардан бири. Консорциум санаяти модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган “яшил” молиялаштиришнинг қўшма операторига айланиши мумкин. Бу минтақа аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим қadam бўлади.

Шунингдек, Марказий Осиё атроф-муҳитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласини яратиш ҳам минтақа келажиги учун муҳим аҳамиятга эга. Бу атлас минтақадаги чўлланиш, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган фундаментал илмий-таҳлилий базага айланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган глобал ташаббуслар ва экологик кун тартибининг устувор йўналишлари ҳам маҳаллий, ҳам хорижий эксперт доираларда кенг муҳокама қилинмоқда.

Саммит ва унинг доирасидаги тадбирлар минтақавий тузилмалар ҳамда қатор халқаро ташкилотларни ушбу йўналишда амалий ечимлар ишлаб чиқиш йўлида бирлаштиргани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Остонада “Барқарор келажак учун умумий нигоҳ” ширин остида ўтказилган минтақавий экологик саммит Марказий Осиёнинг глобал экологик кун тартибидеги ўсиб бораётган ролин ақс эттиради. Бу иқлим хавфларини енгиб ўтиш, табиий ресурсларни асраш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ягона минтақавий стратегияни шакллантириш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Бугун иқлим ўзгариши, сув ресурслари қисқариши, ҳавонинг ифлосланиши, ернинг шўрланиши ва деградацияси, яшил ҳудудларнинг камайиши каби глобал экологик муаммолар инсоният олдидеги долзарб масалалардан бирига айланди. Айниқса, биологик хилма-хилликнинг қисқариб бориши нафақат табиат, балки минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.

## БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ АСРАШНИНГ АМАЛИЙ ПЛАТФОРМАСИ



**Одилжон МАМАДАЛИЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати**

Шундай мураккаб шароитда Марказий Осиё давлатлари ўртасида ишонч, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган “Янги Марказий Осиё” ҳамкорлик модели ривожланиб бораётгани минтақа мамлакатларининг умумий муаммоларини биргалиқда ҳал этишга қодирлигини намоён этмоқда.

“Остона шаҳрида ўтказилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлиси ҳамда Минтақавий экологик саммит ана шу ҳамкорликнинг амалий ифодасидир.

Саммит доирасида давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар минтақа экологик хавфсизлигини таъминлаш ва табиий мувозанатини сақлаш борасида янги босқични бошлаб беради.

Бир-бирини мантқиқий тўлдирувчи саккиз муҳим йўналишдаги таклифларнинг ҳар бири

аниқ муаммо ва ечимни ақс эттириб, минтақадаги барча мамлакат учун бирдек зарур ва аҳамиятлидир.

Ушбу ташаббуслар орасида биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Чунки ўрмон майдонларининг қисқариши, сув ҳавзаларининг ифлосланиши, ноқонунли оё ва иқлим ўзгариши натижасида кўплаб ноёб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиш хавфи остида қолмоқда.

“Муайян турнинг йўқолиши табиий занжирнинг бузилиши, бу эса, ўз навбатида, бутун экотизимга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу каби муаммолар бир давлат ҳудуди билан чекланиб қолмайди, бутун минтақага тарқалади. Ушбу жараёнда “Марказий Осиё Қизил китоби”ни яратиш таклиф этилиши жуда ўринли бўлди.

Биобарин, ушбу китоб нафақат йўқолиб бораётган турлар ҳақидаги ягона маълумотлар базаси, балки минтақа давлатларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи амалий платформага айланиши мумкин. Бу орқали мамлакатлар ўртасида илмий маълумот алмашиш, қўшма дастурлар ишлаб чиқиш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш имконияти кенгайди.


“Марказий Осиё Қизил китоби”ни яратиш ташаббуси минтақада экологик барқарорликни таъминлаш, табиий бойликларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга соғлом атроф-муҳитни мерос қилиб қолдириш йўлида муҳим сиёсий ва амалий қадам бўлади. Бу ташаббус Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги экологик ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаб, минтақавий ҳамкорликнинг янги намунасини шакллантиради.

# ТАМАДДУН

## тафаккури

Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бугун орзу-ниятларимиз рўёбга чиқди. Бу бетақрор зиёратгоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламул мавқеига, юсак мақомига муносиб даражада бунёд этишга муяссар бўлдик. Мана шундай табаррук маскан барчамизга муборак бўлсин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

## ЯНГИ ҚИЁФАДАГИ ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ: ЕТУКЛИК РАМЗИ ВА БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ТИМСОЛИ



### ТАРБИЯ ВА ИБРАТ МАСКАНИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ХРОНОЛОГИЯСИ

- Имом Бухорий мақбараси ёнидаги масжид XVI асрда Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II томонидан барпо қилинган. Тўрт устун ва ўн икки гўмбазли бу ноҳир иншоот ғиштдан қурилган.
- Мустабид тузум давридаги таъинлар масжидни ҳам четлаб ўтмаган. 1956 йилда зиёратгоҳдаги масжиднинг очирилиши руҳсат берилган бўлса-да, 1959 йил декабрь ойида яна ёпилади.
- 1972 йилдан бошлаб, яъни Имом Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги (1974 йил) нишонланишидан икки йил аввал масжид қайтадан фаолият юрита бошлайди.
- Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги қарорига асосан, мақбара атиги 8 ой мобайнида қайта бунёд этилади. Мақбара мурабба шаклида бўлиб, унинг томонлари 9×9 метрни ташкил этган. Бинонинг умумий баландлиги, гўмбази билан бирга 17,6 метрга етади. Мажмуадаги масжид эса 6 метр баландликда, 19,5 метр кенликда ва 21,5 метр узунликда қурилади. У бир вақтнинг ўзида 1500 кишининг намоз ўқиши учун мўлжалланган эди.
- Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ, ушбу ёдгорлик мажмуасини янги лойиҳа асосида барпо этиш ишларига старт берилди.
- Катта сиймалли масжид, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Бухорий инновацион музейи ва Ҳадис илми мактабини ўз ичига олган яхлит замонавий мажмуа бутунлай қайтадан қурилиб, 2026 йил баҳордан эътиборан тўлиқ фойдаланишга топширилади.




Отабек МУҲАММАДИЕВ,  
Имом Бухорий халқаро  
илмий-тадқиқот маркази директори  
ўринбосари, тарих фанлари  
бўйича фалсафа доктори

Имом Бухорий бобомизнинг ислом оламида қандай юсак мақом ва мавқега эга эканини яхши биламиз. Бутун дунё мусулмонлари бу зот мангу ором топган масканини зиёрат қилишни юсак шараф деб билади. Лекин шу пайтгача зиёратгоҳ бунга тўла имкон бермас, унинг атрофида ҳам шунга яраша шароит ва имкониятлар, сайёҳлар учун қулайликлар бўлмаган. Таъбир жоиз бўлса, мажмуа буюк муҳаддис бобомизнинг маънавий мероси ва ислом оламидаги шухратига мос эмас эди.

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори билан дастлаб бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби ташкил этилди. Сўнг мажмуа ҳудуди кенгайтирилиб, зиёратчиларга ҳар томонлама қулайлик яратилиши ҳисобга олинди ва зиёратгоҳни янгидан бунёд этишга киришилди. Кейинги 7–8 йилда бу ерда лойиҳалашдан тортиб, қурилиш, ободонлаштириш ишларигача бўлган жараён Президентимизнинг доимий эътиборида бўлди. Давлатимиз раҳбари ҳар гал Самарқандга келганда, ҳатто пандемия даврида ҳам, аввало, мажмуадаги ишлар билан танишиб, қурилишнинг сифатли ва халқаро талаблар даражасида бажарилишини назорат қилди, зарур тавсиялар берди. Илгари Имом Бухорий ҳазратларининг қабри мақбара остидаги кичик бир хонада бўлиб, бу жойга бешоли кишигина сиғиши мумкин эди. Кўп ҳолларда нуфузли делегациялар ташрифи чоғида ушбу ҳолат ноқулайликлар келтириб чиқарарди. Бугун эса мақбара остида жойлашган қабр атрофида юзлаб меҳмон тиловат қилиши мумкин.

Самарқанд вилояти Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий мажмуаси ушбу буюк алломанинг хотирасига, унинг илмга бағишланган умри ва ислом илмларига қўшган улкан ҳиссасига чуқур эҳтиром рамзи сифатида барпо этилди. Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ, ушбу ёдгорлик янги лойиҳа асосида қайта барпо этилди. Натижада мажмуа бугун мукамал меъморий ечимга эга бўлди.

Бинолар қурилишида мамлакатимизнинг моҳир усталари билан бирга хорижий давлатлардан келган меъмор ва ҳунармандлар ҳам иштирок этди. Мажмуа меъморчилигида миллий ва ислом меъморчилиги аъёнлари уйғунлиги намоён бўлиб, кошнорлик, нақ-



“ Умумий майдони 63,2 гектарни ташкил этувчи зиёратгоҳ ҳудудидаги барча иншоот ягона меъморий ва маънавий гоя асосида барпо этилган. Мажмуа таркибига Имом Бухорий мақбараси, масжид, инновацион музей, маъмурият биноси, кенг айвонлар ва ёрдамчи иншоотлар кирди. Мажмуа пештоқлари ва айвон деворларига Қуръони карим оятлари ва ҳадислар битилган.

метрни ташкил этади. Бундай муҳандислик ечими ибодатхона ичида кенг, ёруғ ва очиқ фазо яратиш, жамоавий ибодатни бемалол адо этиш имконини таъминлайди. Масжид гўмбазининг диаметри 19 метр бўлиб, уни тўрт томондан ҳар бирининг диаметри 8 метрни кичик гўмбазлар уйғун тарзда тўлдириб туради. Залнинг баландлиги

Зиёратгоҳнинг тўрт бурчагида қад ростлаган, баландлиги 75 метрга етadиган тўрт минора мажмуанинг меъморий қиёфасига ўзига хос салобат ва кўрк бағишлайди. Уларнинг мутаносиб баландлиги ва нафис шаклий ечими иншоотнинг улғуворлигини янада оширади. Узоқданок кўзга ташланadиган ушбу миноралар зиёратгоҳнинг маъ-

зиёратгоҳни тиклаш, унинг тарихи ва мазмунини тўғри талқин қилиб етказиш бўйича кўрсатмалар берар эди. 2022 йил 17–18 август кунлари Саудия Арабистонига давлат ташрифи домида Президентимиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратлари ва ислом цивилизацияси музейи билан яқиндан танишди. Шу таассуротлар асосида 2022 йил 24 август кунини Имом Бухорий мажмуасига ташрифи чоғида берилган кўрсатмалар асосида мажмуа таркибидagi инновацион музейни барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

Тўққиз павилондан иборат инновацион музей Имом Бухорийнинг ҳаёти ва бой илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музей экспозицияларида Қуръони каримда исми зикр этилган 25 пайгамбар тарихи, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёт йўллари, буюк муҳаддислар номи ва улар қолдирган бой мерос, ҳадисларнинг жамланиши ва ёзиб олиниш жараёни оид муҳим маълумотлар ўрин олган.

Зиёратчиларнинг мажмуа бўйлаб қулай ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида замонавий лифт тизими ўрнатилган: 1000 кило кўтарич қувватига эга панорамали лифт, 800 килогача кўтарадиган олтига бир томонлама эшикли лифт ва 400 кило юк кўтарадиган бир томонлама эшикли лифт. Бундан ташқари, иккита эскалатор ҳам ўрнатилган.

Мажмуа ҳудудида зиёратчилар учун барча шарт-шароит яратилган. зиёратчилар экскурсия хизмати, ахборот материаллари ва маърифий суҳбатлар орқали буюк алломанинг ибратли ҳаёти ва мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу муқаддас қадамда аввал бир кунда 12 минг зиёратчи хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир 65 минг меҳмонга халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Зиёратгоҳ атрофида меҳмонхоналар ва савдо-сервис нуқталари ташкил этилган.

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси бугун Ўзбекистондаги энг муҳим маънавият ва маърифат марказларидан бири сифатида янгидан фаолият бошлади. Узининг илмий аҳамияти, маънавий қудрати ва меъморий гўзаллиги билан у инсон қалбида поклик, илмга, буюк аждодимизга ҳурмат, миллий ва диний қадриятларга садоқат туйғуларини мустаҳкамлайдиган қутлуг маскандир. Бир неча минг намозхонни сифидира оладиган масжид, маҳобатли тўрт минора, инновацион музей, замонавий лифт ва эскалаторлар, юқори ўтказувчанликка эга таҳоратхоналар, меҳмонхоналар ва сервис нуқталари — буларнинг барчаси мажмуанинг нафақат муқаддас маскан, балки юсак даражадаги хизмат кўрсата оладиган замонавий объект эканидан далolat беради. Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси буюк алломанинг ислом илмларига қўшган беқиёс ҳиссасига муносиб ҳурмат ифодаси сифатида асрлар давомида авлодларга мерос бўлиб қолади.



қошлик, ҳандасавий нақшлар ва эпиграфик безаклар орқали юсак баъдий қиймат касб этган. Бу жиҳатдан Имом Бухорий мажмуаси нафақат зиёратгоҳ, балки ноёб меъморий ёдгорлик сифатида ҳам аҳамиятлидир. Умумий майдони 63,2 гектарни ташкил этувчи зиёратгоҳ ҳудудидаги барча иншоот ягона меъморий ва маънавий гоя асосида барпо этилган. Мажмуа таркибига Имом Бухорий мақбараси, масжид, инновацион музей, маъмурият биноси, кенг айвонлар ва ёрдамчи иншоотлар кирди. Мажмуа пештоқлари ва айвон деворларига Қуръони карим оятлари ва ҳадислар битилган. Мажмуанинг асосий меъморий маркази бўлган масжид улутвор қиёфаси ва мукамал лойиҳавий ечими билан ҳар бир зиёратчининг ҳайратга солади. Иншоотнинг биринчи қавати ва ер ости қисми 60×60 метр ўлчамда барпо этилган бўлиб, ички ҳажмининг ўрта — устунсиз қисми 38×38

метрни ташкил этади. Бундай муҳандислик ечими ибодатхона ичида кенг, ёруғ ва очиқ фазо яратиш, жамоавий ибодатни бемалол адо этиш имконини таъминлайди. Масжид гўмбазининг диаметри 19 метр бўлиб, уни тўрт томондан ҳар бирининг диаметри 8 метрни кичик гўмбазлар уйғун тарзда тўлдириб туради. Залнинг баландлиги

навий нуфузи ва меъморий қудратини ифодаловчи тинимол ҳамдир. Имом Бухорий мақбараси — мажмуанинг маънавий маркази. Мақбара биноси ер устида 14×14 метр ўлчамда қад ростлаган. Эски мақбара қисми 9×9 метрни ташкил этади. Иморат умумий баландлиги 28, гўмбаз диаметри 8,3 метрга тенг. Мақбаранинг ер ости зали майдони 1850 квадрат метр бўлиб, зиёратчилар учун шинам шароит яратилган. Мажмуага кириш ва чиқишни таъминловчи икки айвоннинг ҳар бири 684 квадрат метр майдонга эга бўлиб, уларнинг диаметри 17 метрни ташкил этади. Ен айвонларда устун баландлиги 7,8 метр, устунлар орасидаги масофа эса 5,4×5,4 метр. Бу ўлчамлар айвонларда кенлик ва нафосат уйғунлигини таъминлаган. Давлатимиз раҳбари ҳар гал Самарқандга ташрифи чоғида ушбу табаррук

**ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР  
ТАРАННУМИ**

Имом Мухаммад Башар АРАФОТ,  
Цивилизациялар алмашуви ва ҳамкорлик  
фонди президенти (АҚШ):

— Имом Бухорий ҳазратларининг хузурида, унинг номи билан аталган ушбу мухташам мажмуада — Ҳадис илми мактабида меҳмон бўлиб турганимдан гоят мамнунман. Бу муаззам мажмуа нафақат толиби илмлар, балки ислом цивилизациясининг дунё илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси билан кизикқан ҳар бир инсон учун муҳим зиё масканидир.



Мухаддислар султони Имом Бухорий ва бошқа буюк алломалар пайгамбаримизнинг энг саҳиҳ ҳадисларини бизга етказиш орқали ислом динининг асл моҳиятини сақлаб қолди. Уларнинг мероси бизга диний билимлар билан бирга инсоният учун фойдали бўлган ҳар қандай илми, бағрикенглик ва ўзгаларнинг қарашларини хурмат қилишни ўргатади.

Ислом доимий изланиш ва маънавий саёҳатдир. Барчамиз Одам Ато ва Ҳавво онамизнинг фарзандлари сифатида йирик умуминсоний оиланинг аъзолари миз. Дунёқарашимиз ва ибодатимиз турлича бўлиши мумкин, бироқ тинчлик ва тотувликда яшаш, ўзаро алоқаларни тўғри йўлга қўйиш барчамизнинг умумий масъулиятимиздир.

Шу маънода, фаолиятимизнинг бош мезони муқаддас Куръони каримнинг Хужурот сураси 13-оятига асосланишни таъкидламоқчиман. Унда Парвардигоримиз инсонлар бир-бирини билиши ва таниши учун бизни турли миллат ва элатлар қилиб яратгани баён этилган. Мақсадимиз ҳам айнан шу — диний ва маданий дипломатия орқали инсонлар ўртасида англашув ва хурмат муҳитини яратиш.

Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорлик қилиш — фондимиз учун катта шараф. Биз ўзбекистонлик талабаларнинг АҚШ, Европа ва бошқа минтақалардаги таълим дастурларимиздаги иштирокига гувоҳ бўлишдан ташқари бош илмий меросни ўрганиш учун хоржилик талабаларимизни ушбу муқаддас заминга олиб келишдан жуда мамнун бўламиз. Бу ҳамкорлик ислом қадриятларини халқро миқёсда тўғри талқин қилиш ва цивилизациялараро мулоқотни мустақамлашга хизмат қилишига ишонаман.



**ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ  
ХАЗИНАСИ**

Анвар Аҳмад ибн  
Ғулом БАҒДОДИЙ,  
Булғор ислом  
академияси катта  
ўқитувчиси,  
исломшунослик  
фанлари номзоди  
(Россия):



— Яратганининг инояти билан ёшлигимдаги энг катта орузларимдан бири ушадди. Илм-фани манбаи ва маърифат ўчоги бўлиши буюк муқаддас Имом Бухорийнинг ватани — Ўзбекистон заминини зиёрат этар эканман, қалбимда чексиз кувонч ва бахтиёрлик ҳиссини туймоқдаман.

Юртингиздаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш бахти насиб этгани учун Парвардигорга шукроналар айтаман ва бу хайрли сафарда кўмаклашган барча биродарларимизга миннатдорлик изҳор этаман.

Ўзбекистон мисли кўрилмаган бой илмий тарихи ҳамда жаҳон тан олган алломалари — Имом Бухорий, Имом Термизий, Мухаммад Хоразмий каби буюк фарзандлари мероси билан кўнлаб мамлакатлар олдиди илм-фан пешвоси эканини баралла айта оламан. Бу заминдан етишиб чиққан уламолар бутун оламга илм нуруни таратган.

Имом Бухорий мажмуаси, бу ерда жойлашган халқро илмий-тадқиқот маркази фаолияти билан танишиб, аждодлар меросини замон талабларига мос равишда ўрганиш ва ёритишдек шарафли вазифа адо этилаётганининг шохиди бўлдим. Марказдаги бой кутубхона фонди, айниқса, нодир қўлёзмалар мазкур масканининг ҳақиқий илм хазинаси эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу улғувор ишларни ташкил этган раҳбариятга, марказнинг барча илмий ходимларига ва фидойи хизматчиларига миннатдорлигимни изҳор этаман. Аллоҳ таолодан бу хайрли фаолиятда куч-қувват, илму маърифат йўлидаги хизматлари эвазига икки дунё саодати ва барокотини тилаб қоламан.




Имом Бухорий мажмуаси фақат бино ва иншоотлардан иборат маскан бўлиб қолмай, балки инсонлар қалбини забот этадиган, айниқса, ёшларнинг ҳаётда адашмасдан, тўғри йўлни топишига хизмат қилувчи илмий даргоҳ, шунингдек, аллома ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи музейга ҳам айланмоқда. Бу ерда ислом дини, хусусан, ҳадис илми таракқиёти, аллома илмий меросининг замонавий ахборот технологиялари орқали намойиш этилиши йўлга қўйилган.

**ИННОВАЦИОН МУЗЕЙ –  
МАЪРИФАТНИНГ БОҚИЙ МАНБАИ**

Бухорийнинг илм йўлида сафар қилган шаҳарлари кўрсатилган.

Аллома муқаддас шаҳарлар — Макка ва Мадина зиярат қилиб, олти йил Ҳижозда яшаб, ҳадис бўйича ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша



пайтда илм-фанининг йирик марказлари ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда ашайди. У жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар билан илмий баҳс-мунозараларда қатнашади ва толиби илмларга дарс беради.

4-павильон “Имом Бухорий: Буюк феномен” деб номланган бўлиб, унда алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги фильм катта экранда намойиш этилади.

5-павильонга “Имом Бухорий фазилатлари” деб ном берилган. Унда Имом Бухорийнинг буюк илмий

орқали танишиш, ўрганиш имконияти берилган. Ёш томошабинлар учун музейларнинг болалар бўлимида олган илк тажрибаси улар онгидида мавзу ҳақида етарлича тасаввур шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Учар гиламда тарихга сەҳнат 5D фильми 7 ёшдан юқори бўлган томошабинларга ўрта асрлардаги ислом олами шаҳарлари билан яқиндан танишиш имконини беради. Томошабинлар Имом Бухорий борган қадимги шаҳарларга сەҳнатта тақлиф этилади. Фильм намойиши давомида ундаги воқеа ва ҳодисалар билан ҳамоҳанг ҳаракатланувчи махсус ўриндиқда ўтирган томошабинлар ўзини қадимий масканлар бўйлаб учар гиламда сەҳнат қилаётгандек ҳис этади.

Ёш Мухаммад ибн Исмоил билан бирга хотира ўйини. Имом Бухорийнинг илмий мероси ва алломанинг шахсий фазилатлари бевосита хотира билан боғлиқ, У болалигидан маълумотларни тез ва беҳато ёдда сақлаб қолиш салоҳиятига эга бўлган. Алломанинг бундай фазилати ҳақида тасаввур шакллантириш учун ёш томошабинлар хотира билан боғлиқ интерактив ўйинга тақлиф этилади. Ўйиннинг асосий қаҳрамони сифатида ёш Имом Бухорий қиёфаси акс этади.

Ҳама томонларига интерактив проекция туширилган махсус хонада томошабинларни ёш Мухаммад ибн Исмоил кутиб олади. 10-15 дақиқа давом этадиган интерактив машғулотда бир неча томошабин жамоа шаклида иштирок этиши мумкин.

7-павильон “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” — Ислом динининг иккинчи манбаи” деб номланган. Бу асар ҳадисшунослик соҳасида умумэътироф этилган мубтабар китоб бўлиб, ислом оламида Куръони каримдан кейинги манба ҳисобланади. Шу сабабли ушбу



салоҳияти, энг ишончли ҳадисларни саралаш ва авлодларга қолдириш йўлида чеккан илмий заҳмати, тақвоси, ислом оламида Куръони каримдан кейинги ўринда турмуви асар муаллифи экани, уни бутун дунё эътироф этгани, ёшлигидан устоз ўткир ва хотираси кучли бўлгани, ота-онаси ва эҳтиш-шоғирдларига самимий муносабати каби жиҳатлари кўрсатиб берилган. Ушбу қисмда алломанинг илм йўлида чеккан машаққатлари ва синовларни енгиб ўтишидаги жасорати ҳақидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, бу, ўз навбатида, ёшлар қалбиди аждодлар билан фахрланиш туйғусини кучайтиради.

Павильоннинг бутун ҳудуди бўйлаб проекция орқали мавзунинг ёритиладиган видеолар узлуксиз кўрсатиб турилади. Видеофильмлар мавзуларга бўлинган ҳолда кетма-кет давом этиб, павильонга исталган вақтда келган томошабинлар мавзуга тезда кириб олиш имкониятини беради.

Буюк шитихон ҳақида. Мазкур қисмда алломанинг илм талабиди сафарлари, синовлар гирдоби — Бағдод, Самарқанд ва Нишопурдаги имтиҳонлар, илм йўлидаги машаққатларини сабр-матонат билан енгиб ўтиши, кундан кунга юксалиши, даражаси ортиб бориши ва атрофида илхосланд шогирдларининг кўпайиши макетлар орқали кўрсатилган.

Имом Бухорийнинг бетакрор хотира эгаси бўлган ҳақида фильм. Ушбу фильмда Имом Бухорийнинг хотираси фаёқуллода кучли бўлгани, эшитган ҳадисларини дарҳол ёдлаб олгани ҳақида маълумот берилди. Биламидаки, Имом Бухорий умри давомида 600 мингдан зиёд ҳадисни жамлаган, 200 мингтасини ровийлари ва уларнинг тарихи билан бирга тўлиқ ёддан билган. Ушбу маълумот анимацион тарзда экранда намойиш этилади ва алломанинг хотираси қандай бўлгани бутунги кундаги тушунчамиз асосида кўрсатиб берилди.

“Имом Бухорий авлодлари” номи 6-павильонда ёш томошабинларга музей концепциясидан ўрин олган мавзулар билан йўнали интерактив экспонатлар

ушбу қисмда Имом Бухорий мақбарасининг мустақилликдан олдинги ҳолатини акс эттирувчи макет жойлаштирилган ва ёнида мажмуа ҳақида маълумот ёзиб қўйилган. Шунингдек, мақбаранинг аниқланган кўринишидаги макети ҳам жой олган бўлиб, у ҳақида ҳам қисқача маълумот берилди. Мустақиллик йилларида ободонлаштирилган ҳолатдаги зиёратгоҳ макети ҳам жойлаштиради.

Янги Ўзбекистонда аллома ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва Имом Бухорий мажмуаси бутунлай янги қиёфа кирганини акс эттирувчи кўргазмалар ҳам павильондан ўрин олган. Бунда кўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади:

— 2016 йилнинг 18 октябрда Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгашининг 43-сессияси йиғилишида Ўзбекистон Президенти томонидан Самарқандда Имом Бухорий мажмуаси ёнида Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилгани кўрсатилган;

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида: “Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Куръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳ Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган”, дея илк бор энг катта миқдорда Имом Бухорий номини тилга олиб, улуг аллома илмий мероси аҳамиятини жаҳон оmmasига очиб берган.

Павильоннинг алоҳида қисмида “Имом Бухорий” олий ордени витриниси ўрин олган. Унда орденининг ўзи, уни таъсис этиш бўйича ҳужжатлар нусхалари жойлаштирилган. Юқоридигиларга қўшимча тарзда 9-павильон деворига Саудия Арабистони Подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз томонидан совға қилинган кивас — Каъбаўш осилган бўлса, бошқа жойда турли мамлакатлар раҳбарлари томонидан Имом Бухорий мажмуасига ҳада қилинган Куръони карим нусхалари жойлаштирилган.

Музейнинг чиқиб қисми Имом Бухорийнинг сўнгги йилларда нашр этилган асарларига оид экспонатлар билан тўлдирилган. Ушбу қисмдан шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф томонидан амалга оширилган “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг ўзбек тилидаги биринчи нусхаи олиб, музейнинг аҳамияти бўлиши “Олтин сиёсат: Саҳиҳул Бухорий” (8 жилдли) китоблари, алломанинг иккинчи бош асари бўлиши “Ал-адаб алмуфрад” китобига шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф томонидан ёзилган шарҳ асосида нашр этилган “Одоблар хазинаси” (4 жилдли) китоблари, “Биррул волидайин” (“Ота-онага яхшилик қилиш”) китоби, “Саҳиҳ Бухорий” шарҳи” китоблари (27 жилдли) ва “Имом Бухорий сабоқлари” журналининг шу чоққача нашр этилган нусхалари ўрин олган.

Бугун янги Ўзбекистонда барча соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда, хусусан, алломалар илмий меросини ўрганиш ва халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк бобкалонларимиз абадий кўнми топан жойларни ободонлаштириш, асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, халқимиз орасида кенг



тарғиб этиш шулар жумласидан. Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда Имом Бухорий мажмуаси тўлиқ янгидан барпо этилиб, унинг таркибиди Имом Бухорий музейи очилди. Юқориди келтирилганидек, мазкур музей энг сўнгги технологиялар билан таъминланган бўлиб, турли қизқарли ва қимматбаҳо экспонатларни, жоизбадор маълумотларни ўз ичига олган. Музейнинг аллома ҳаётининг турли жиҳатларини алоҳида акс эттирган бўлимларга тақсимланган зиёратчиларга маълумотларни тизимли ва тушунарли тарзда етказиш имконини беради. Бундай улкан бунёдкорлик ишлари янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Азизбек ЮСУПОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Холбой ИБРАИМОВ, Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти директори, педагогика фанлари доктори, академик

Бугун тарихий босқичда турибмиз. Давлатимиз тараққиётининг янги даврида фақат иқтисодиёт ёки технология билан эмас, балки инсон капитали, айниқса, ёш авлод дунёқараши, иродаси ва маънавий-ижтимоий салоҳияти ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида "Тўртинчи санаот инқилоби маркази"ни ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Бу шунчаки янги муассаса эмас, балки мамлакатимиз тараққиётининг янги мантиғи.

# МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

## ЮРТИМИЗ ЁШЛАРИ ЎЗГАРИШЛАРНИ КУТМАЙДИ, УНИ ЎЗЛАРИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Бир савол туғилади: тўртинчи санаот инқилобига оддий, эски тарбия усуллари билан кириб бориш мумкинми? Менимча, йўқ. Чунки бу жараён хомашёдан инновацияга, билимдан компетенцияга ўтишни, оддий ижроидан ташаббускор шахсга айланишни талаб қилади. Шунингдек, "таълим-тарбия — илм-фан — ишлаб чиқариш"ни ягона занжирга улашни тақозо этади.

Энг муҳим жиҳат шуки, тўртинчи санаот инқилоби заводдан эмас, инсон тафаккурдан бошланади. Агар тафаккур янгиланмаса, технология ҳам қутилган самара бермайди. Тўртинчи санаот инқилоби, аввало, миллат дунёқарашидаги ўзгаришдан бошланади. У ёшлардан билимининга эмас, балки тадбиркорлик компетенцияси, ташаббус, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини талаб қилади. Шу нуктадан назардан, Президентимиз қарори билан ташкил этилган Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтида бизнес педагогика каби янги фан йўналишига асос солинган бекжиз эмас.

Келинг, очик тан олайлик: бугун дунёдаги илгор давлатлар тасодифан бу маррани забт этган эмас. Улар тарбияни, таълимни, инновацияни ва инсон салоҳиятини бир тизимга айлантирган учун бунга эришган.

Инновация фақат технология эмас, балки тарбияни тизим сифатида қайта қуришдир. Яъни ёшлар тарбиясини фақат янги гаджетлар, янги платформалар ёки янги тадбирлар билан ислоҳ қила оламимиз. Агар тизим бўлмаса, энг яхши технология ҳам фақат шаклни ўзгартиради, мазмун эса ўша-ўшалигича қолиб кетаверади. Шу нуктадан назардан, "тарбиянинг инновацион методологияси" деганда биз тўрт асосни назарда тутамиз: биринчиси — қадрият, иккинчиси — компетенция, учинчиси — муҳит, тўртинчиси — ўлчов.



Нега айнан шу тўртлик? Чунки қадрият инсонга йўналиш беради, инсон нимани тўғри, нимани нотўғри деб билади? Қонунига, адолатга, меҳнатга, инсонга қандай қаради? Мана шунинг марказида қадрият туради. Аммо фақат қадриятнинг ўзи етарлими? Йўқ.

Қадрият йўналиш бўлса, компетенция — ҳаракат воситаси. Танқидий фикрлаш, муаммони ҳал этиш, далил билан ишлаш, мулоқот, жамоада ишлаш, қарор қабул қилиш — булар қадриятни ҳаётга олиб чиқадиган воситалардир.

Учинчи таянч — муҳит. Болани фақат синфхона тарбияламайди, уни оила, тенгдошлар, маҳалла, медиа, интернет, рақамли майдон тарбиялайди. Демак, тарбия ҳақида гапирганда, биз тизим аудиторияси эмас, бутун таъсир муҳитини кўришга мажбуримиз.

Тўртинчи таянч — ўлчов. Илмда бир оддий қонун бор: ўлчанмаган нарса бошқариламайди. Бу ерда гап инсон қадрини балла айлантириш ҳақида эмас, тарбия дастурининг самарасини кўриш ҳақида. Компетенцияда, ҳулқда, масъулиятда қандай ўзгариш бўлганини аниқ мезонлар билан баҳолаш ҳақида. Шунинг учун тўрт саволга жавоб излаймиз.

Биринчидан, нега глобаллашув шароитида тарбияга аънавий ёндашувлар етарли бўлмай қолди?



“Миллий тарбия модели асосида богча — мактаб — касб-хунар — ОТМ занжирини ягона динамик тарбия стандартлари яратилади. Тарбияланганлик даражасини баҳолаш механизми шаклланади. Оила — мактаб — маҳалла ягона тарбия майдонига айланади. Жамиятда соғлом маънавий муҳит кучаяди.

Иккинчидан, инновацион методологиянинг асосий принциплари қандай бўлиши керак?

Учинчидан, кейс, лойиҳа, менторлик, сервис-ўқиш каби амалий инструментлар амалда қандай ишлайди?

Тўртинчидан, натижани қандай индикаторлар орқали кўриш ва баҳолаш мумкин? Мақсадимиз тарбия ҳақида умумий гапирш эмас, аксинча, тарбияни илмий асосланган, натижага йўналтирилган, ўлчанадиган ва масштабланадиган тизим сифатида кўрсатиш. Табиий савол туғилади: нега инновацион методология ҳақида айнан ҳозир гапиршимиз керак? Ахир тарбия азалдан бор-ку! Тўғри, бу ҳамма шундан. Лекин бугуннинг тарбияга қўйётган талаби мутлақо бошқача. Агар кечги усуллар билан бугунги мураккаб дунёга жавоб бермоқчи бўлсак, бир хавф пайдо бўлади: кўп ҳаракат қиламиз, кам натижа оламиз.

Тасаввур қилинг, ёшлар янги ахборот дунёсиде ашяапти, иқтисодиёт янги компетенциялар талаб қилапти, жамиятда янги хавфлар пайдо бўляпти. Аммо тарбия эса ҳали ҳам эски кўринишда қоляпти. Бу ерда номуаманосиблик келиб чиқади. Шунинг учун инновацион методология шунчаки "янгиликка қизиқиш" эмас, замон талаби.

Биринчи омил — рақамли муҳит. Бу долзарбликни учта катта омил орқали тушуниш мумкин. Рақамли коммуникация муҳитининг доминантлашуви. Илгари ёшларнинг ахборот манбалари асосан оила, мактаб ва яқин атроф билан чекланган эди. Бугун-чи? Бугун уларнинг диққати, ҳиссиёти, фикри, ҳатто базан позицияси ҳам алгоритмлар бошқарётган ахборот майдонига шаклланади.

Бу ерда энг катта муаммо нимада?

Фақат билан фикр, ҳақиқат билан манипуляция, ахборот билан таъсир ўртасидаги чегара хиралашиб кетди. Демак, тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан бири — ёшларда медиасаводхонлик, танқидий таҳлил, ахборот гигиенаси, далилга таянган қарорлар қабул қилиш маданиятини шакллантиришдир. Бу вазифани оддий насихат билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун махсус методология керак.

Иккинчи омил — иқтисодий ва касбий дунёнинг компетенцияга асосланиши. Бугун дунёда инсондан фақат маълумот эмас, амалий қобилият талаб қилинмоқда.

Ҳаётда қўллай олмайдими. Нега? Бу — замонавий дунёнинг энг оғриқли парадоксларидан бири. Шунинг учун инновацион методология тарбияни гапиршишдан бажаришига, тушуниришдан машқ қилдиришга, эшитишдан иштирок этишга олиб ўтишни шарт.

Учинчи омил — ижтимоий барқарорлик ва маънавий имунитет масаласи. Бугунги глобал мафкуравий таъсирлар, агрессия, радикал қаҳриқлар каби хавфлар кучайиб бормоқда. Шундай шароитда ёшларнинг ички барқарорлиги, қонунга ҳурмати, адолат ҳисси, инсонпарварлиги ва ижтимоий масъулияти фақат шахсий фазилат эмас, балки жамият хавфсизлигининг бир қисмига айланади. Демак, тарбия энди фақат шахсий камолот масаласи эмас. У — давлатнинг барқарор ривожланиш стратегиясининг бир қисми. Шу уч оимдан келиб чиқиб, бир хулосага келамиз: инновацион методология тарбияни янги шароитга мослаштиради. У ахборот муҳитида адашмасликка ўргатади, ёшларнинг компетенцияга асосланган ҳаётга тайёр ва энг муҳими, қадрияти барқарор фуқаро бўлиб шаклланишида ёрдам беради. Энди асосий тушунчага ўтайлик: "инновацион методология" деганда нимани назарда тутаямиз? Кўпчилик методология деганда методлар рўйхатини тушунади. Аслида эса

ўзини ўзи такомиллаштириб борадиган тизимга айлантиришни бошқарув шакли. Бу тарбиянинг марказида битта қатъий қонун бор: озаки таъсирнинг ўзи етарли эмас, натижа кўриниши, ўлчанishi, қайси механизм билан шаклланиши аниқ бўлиши керак.

Бу методология амалда беш босқичли цикл сифатида ишлайди. Биринчи босқич — мақсадни аниқлаш. Қандай ёшларни тарбияламоқчимиз? "Яхши ёш (авлод)" деган умумий гап билан иш битмайди. Аниқ профилини белгилашимиз керак: қадриятга содиқ, масъулиятли, мустақил фикрлайдиган, қонунни ҳурмат қиладиган, рақамли муҳитда онли ҳаракат қиладиган ёш.

Иккинчи босқич — диагностика. Реал ҳолат қандай? Қайси жиҳат кучли, қайси жиҳат заиф? Ахборот гигиенаси қандай? Жамоада ишлаш қай даражада? Қарор қабул қилиш маданияти қай ҳолатда? Диагностикасиз тарбия — кўзни юмган ҳолда ҳаракат қилиш билан баробар.

Учинчи босқич — метод ва муҳитни лойиҳа-лаштириш. Мана шу ерда амалиёт бошланади. Кейс, лойиҳа, менторлик, сервис-ўқиш, деббат, симуляция каби методлар танланади. Аммо фақат метод етарли эмас, у ишлайдиган муҳит, қонун, рағбат ва масъулият тизими ҳам яратилиши керак.

Тўртинчи босқич — ижро ва кузатув. Бунда тадбир ўтказишнинг ўзи мақсад эмас, жараён кузатилади, фидбек йиғилади, иштирок, интизом, вазифа бажарилиши, ҳулқ динамикаси таҳлил қилинади.

Бешинчи босқич — ўлчаш, таҳлил ва коррекция. Қайси механизм ишлайди? Қайси жойда заифлик бор? Нимани яхшилаш керак? Ана шу таҳлил кейинги циклни кучайтиради. Энг муҳим гоша шу: тарбия жараёнига мақсад — диагностика — лойиҳа — ижро — таҳлил циклини жорий этиш керак. Шунда тарбия тасодифий тадбирлар йиғиндиси эмас, бошқариладиган тизимга айланади.

Қўпчилик "инновация" деганда технология, суний интеллект, рақамлаштириш ёки гаджетлар кўз олдимиғиза келади. Лекин тарбия соҳасида инновация бундан кенгроқ тушунади. Инновацияни тўрт даражада кўриш мумкин: мақсад, мазмун, методик ва бошқарув инновацияси. Агар мониторинг, фидбек, коррекция, масъулият ва ресурслар аниқ бўлмаса, энг яхши гоша ҳам фақат яхши ният бўлиб қолади.

Мақсад аниқ, мазмун компетенцияга уланган, усул фаол, бошқарув эса ўлчашга таянган бўлсагина, ҳақиқий инновацион тарбия тизими вужудга келади. Бу индикаторлар кўп эмас, бешта, лекин етарли. Улар ҳар қорчада бир марта таҳлил қилинади. Натижага қараб коррекция киритилади.

Энди асосий хулосаларни бир нуктага йиғсак.

Биринчи хулоса — тарбияда технологиядан кўра тизим муҳим, яъни тарбия тадбирлар

# ИНСОНПАРВАРЛИК — БОШ МЕЗОН

## Ижтимоий ҳимоя тизими самаралари



Муносабат

Мамлакатимизда инсон қадрини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланади. Соҳадаги ислохотлар нафақат қўлама, балки мазмун жиҳатидан ҳам мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимиз ҳузурида шу йил 17 апрель кунини тақдиримизга ўтказилган тақдирлар — аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва сифатини ошириш, шунингдек, бу соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган янги ташаббуслар пакети ижтимоий ҳимоя тизимини замонавий, манзилли ва инсонпарвар механизмлар асосида қайта қуришга хизмат қилади. Ушбу тақдирлар фуқаролар ҳаётини энгиллатиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда жамиятда ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга қаратилган.

Жумладан, 2026 йил 1 июндан жорий этиладиган "Эрта аралашув" хизмати ислохотларнинг энг муҳим ва стратегик йўналиши-

ларидан бири сифатида баҳоламоқда. Бу хизмат орқали 3 ёшгача болаларнинг ривожланишидаги нуқсонлар илк босқичда аниқла-

ниб, ўз вақтида коррекцион-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатилади. Бу эса ногиронлик оғирлашиб кетишининг олдини олиш, боланинг жамиятга интеграциялашув имкониятларини кенгайтириш ва оилаларнинг психологик ҳамда молиявий юқини камайитиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, мазкур хизматларнинг нодавлат сектор орқали кўрсатилиши рақобат муҳитини қўлайитириб, хизматлар сифатининг ошишига замин яратлади.

Рухий ҳолатида бузиллиш мавжуд шахслар учун жорий этилаётган "Янги кун" кундузи қараб туриш хизмати, уй шароитида парваришланиш, кичик ҳажмли "Мадад уйи" ҳамда "Ижтимоий таътил" каби хизматлар эса тизимдаги мутлақо янги ёндашувни ифода этади. Бу хизматлар орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг қўндалик ҳаётини кўндаликлари ривожлантирилиши баробарида жамиятда мустақил яшаш имконияти ҳам оширилади.

Янги тизимда давлат-хусусий шериклик механизмларининг кенг жорий этилиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. 600 га яқин нодавлат ташкилот ва тадбиркорларнинг ижтимоий хизматлар кўрсатишга жалб этилиши хизматлар қамровини кенгайтириш, ҳудудий етарлилигини таъминлаш ва фуқаролар учун

таълим имкониятини яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу хизматлар учун харажатларнинг давлат томонидан субсидия қилиниши аҳолининг молиявий юқини сезиларли даражада камайитиради.

Парваришга муҳтожларга гамхўрлик қилаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги парваришланиш нафақасининг жорий этилиши ҳам муҳим ижтимоий қадамдир. Бу орқали меҳнат бозорига иштирок этиш имконияти чекланган фуқаролар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади, оилаларнинг камбағаллик хавфи камайдир. Давлат томонидан муносиб баҳоланади. Бу, ўз навбатида, ижтимоий адолат тамойилларининг амалдаги ифодаси сифатида намоеён бўлади.

Интернет муассасаларини трансформация қилиш бўйича тақдирлар ҳам жуда долзарб. Мурувват уйлари "Гамхўрлик" марказларига айлантириш орқали ёпиқ муассасалардан очик, жамиятга интеграциялашган тизимга ўтиш таъминланади. Бу ерда яшовчи спорт, ижод, меҳнат ва ижтимоий кўндаликларни шакллантириш орқали мустақил ҳаётга тайёрланади. Ушбу ёндашув ҳалқаро илгор тажрибаларга тўлиқ мос, инсоннинг шахс сифатида ривожланишини таъминлашга қаратилган.



СеваРА УБАЙДУЛЛОЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илгари сурилатган ташаббуслар ҳам аҳамиятлидир. Ногиронлик бўйича камситиш учун жавобгарликни кучайтириш, суд қарорларини тушунарли шаклда тақдим этиш ва ижтимоий хизматларни ягона реестр орқали манзилли тақсимлаш каби чоралар фуқаролар учун ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлайди. Бу ўзгаришлар давлат хизматларининг шаффоқлиги ва адолатлигини таъминлайди.

Кундузи парвариш хизматларини ривожлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари ҳам аҳоли ва тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратди. Ота-оналар учун молиявий энгиллик таъминланади. Хусусий секторнинг ижтимоий

ийгиндиси эмас, мақсад, мазмун, усул ва бошқаруving Ўзаро боғланган механизми.

Иккинчи хулоса — тарбияни барқарор қиладиган куч — ўлчаш — таҳлил — коррекция цикли. Агар шу маданият йўлга қўйилса, тарбия ҳиссий таассурот эмас, далилга таянган бошқарув соҳасига айланади.

Учинчи хулоса — инновацион методологияни харақатлантирувчи фаолият. Ёшлар эшитиб эмас, тажриба орттириб, қарор қабул қилиб, натижа яратиб камолга етади. Энди табиий савол туғилади: бу методологиянинг давлатга, жамиятга, ёшларга ва оилага амалий фойдаси нимада? Давлат ва жамият учун биринчи фойда — ижтимоий барқарорлик ва ишонч мустаҳкамланади. Қадрият, қарор маданияти ва жамоавий масъулият кучайса, агрессия, феик ахборот таъсири пасаяди.

Қонунга ҳурмат ва фуқаролик онги ошади. Ёшлар қарорни "меъёр — қадрият — оқибат" занжирини қабул қилишни ўрганади. Инсон капитали сифат жиҳатдан ўсади. Танқидий фикр, жамоада ишлаш, масъулият, ташаббус каби компетенциялар меҳнат бозори учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Ислохотларнинг ижтимоий таъничи кенгайди. Натижага йўналган, онгли, проактив ёшлар ислохотларни фақат кузатмайди, балки унда иштирок этади. Деянват ҳулқ ва ижтимоий рисклар камайдир, эрта таххис, медиасаводхонлик, менторлик ва сервис-фаолият бунга хизмат қилади. Волонтерлик ва жамоатчилик ташаббуслари ўсади, ёшлар муаммони кўрувчи эмас, ечим тақдир қилувчи кучга айланади. Бошқарувда далилга таянган қарорлар кўпаяди. Тарбия соҳаси ҳисоботчиликдан натижадор бошқарувга ўтади. Бу методология ёшларда қарор қабул қилиш маданиятини шакллантиради, руҳлантиради. Коммуникация ва жамоада ишлашни ривожлантиради. Амалиётга яқин компетенциялар беради. Рақамли имунитетни кучайтиради. Ўзини ўзи бошқариш ва интизомни мустаҳкамлайди. Энг муҳими — "мен қила оламан" деган ишончнинг шакллантирилади.

Оилада муносабат маданияти яхшиланади. Ота-она учун ҳам тарбиянинг аниқ ва замонавий модели пайдо бўлади. Рақамли хавфлардан хавотир камайдир. Фарзанднинг мустақиллиги, ишончилиги ва масъулияти ортади. Оила ва жамоа ўртасида ижтимоий боғлиқлик кучаяди. Узоқ муддатда эса бу иқтисодий барқарорликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти олимлари изланишлари асосида "Миллий тарбия модели" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу моделда ватанга садоқат, тадбиркорлик, иқтидорлик, мафкуравий имунитет, меҳр-оқибат, масъулият, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ривожлантирилади.

Шунингдек, XXI аср компетенциялари — танқидий, креатив фикрлаш, муаммони ҳал қилиш, коммуникация, жамоавий иш, рақамли саводхонлик, лизинг ўзи бошқариш, эмоционал интеллект, ўзбекилик ва ташаббускорлик — ушбу модель марказига қўйилган.

Миллий тарбия модели асосида богча — мактаб — касб-хунар — ОТМ занжирини янада динамик тарбия стандартлари яратилади. Тарбияланганлик даражасини баҳолаш механизми шаклланади. Оила — мактаб — маҳалла ягона тарбия майдонига айланади. Жамиятда соғлом маънавий муҳит кучаяди.

Қатор мамлакатлар билан илмий-педагогик алоқалар ўрнатилди. Илмий анжуманлар, симпозиумлар ўтказилди. "MilliyTarbiya.uz" платформаси ишга туширилди. Демак, гап фақат назария ҳақида эмас, гап назариянинг амалиётга чиқиб бўлгани ҳақида.

Янги Ўзбекистонни қуришда ёшлар — стратегик ресурс. Лекин ҳар қандай ресурснинг ҳақиқий қиймати — уни тўғри ишга солишда. Агар биз ёш авлодини тасодифий таъсирлар иштирокчи ташаббуслар бўлиб қўйиб, имкониятини бой берамиз. Аксинча, ёшлар тарбиясини илмий асосланган, ўлчанадиган, замонав мос ва маънавий жиҳатдан мустаҳкам методология асосида қура оласак, нафақат яхши ўқувчини, яхши мутахассисни, балки янги Ўзбекистоннинг таъничи бўладиган шахсни тарбиялаймиз. Шунинг учун бугун гап шунчаки янги метод ҳақида эмас, миллат келажаги методологияси ҳақида кетаяпти.

Тарбияни тизимга айлантиришга, ёшлар келажакни кутмайди — уни ўзлари куради. Янги Ўзбекистоннинг эртаси бугун биз қандай методологияни танлашимизга боғлиқ.

соҳадаги иштироки кенгайди ва янги иш ўринлари очилди. Бу эса ижтимоий хизматлар бозорини шакллантириш ва барқарор ривожланишини таъминлашга замин яратлади.

Шунингдек, жамоат транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга тоифаларнинг кенгайтирилиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг харақатланиш имкониятини оширади, уларнинг жамият ҳаётини фаол иштирок этишга хизмат қилади. Таъзиқ ва зўравонликдан жабрланган аёлларни автоматик равишда иш билан таъминлаш механизмларининг жорий этилиши эса уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ҳаётга қайта интеграциялашнинг жараёнини тезлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги чора-тадбирлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Волга етмаганларга нисбатан жиноятлар учун жавобгарликнинг кучайтирилиши профилактика таъсирини оширади, жамиятда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиради, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Тақдим этилган ташаббуслар ижтимоий давлат тамойилларининг амалий ифодаси сифатида инсон қадрини юксалтириш, давлат ёрдамида манзилли ва адолатли тақсимлаш ҳамда ҳар бир фуқаронинг ўзини ҳимоялаш ҳақида эшишга хизмат қилади. Бу ислохотлар орқали "ҳеч ким эътибордан четда қолмайди" тамойили амалда ўз ифодасини топаётгани шубҳасиз.

Ўтган 35 йилда Ўзбекистон машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. 2017 йилдан бошланган янги тараққиёт босқичи эса юртимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uz\_news yuz.uz\_news

Истиқлолим — истиқболим

# МАҲКАМ ОТАНИНГ НАВҚИРОН 35 ЁШИ

## ЁХУД АЖДОДЛАРИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН, ИНТИЛГАН ВА КУРАШГАН ЭРКИНЛИК

Тарихнинг шиддатли оқимида шундай ардоқли саналар борки, улар халқнинг ўзлигини англаши, шаъни ва ғурурини тиклашида бош мезон бўлиб хизмат қилади. Мустақиллик — биз учун нафақат сиёсий мақом, балки ота-боболаримиз асрлар давомида орзу қилган, интилан ва курашган эркинликдир. Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик феномени халқнинг ўз тақдирини ўз қўлига олиши ва дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдир.



даст кўтарар, қувончини ихзор қиларди. Шундай кўтаринки кайфиятда бизнинг таҳририятта ҳам кириб келди. Ҳаяжонини боса олмайганидан гаплари узук-юлуқ чиқарди: — Табриклайман, укажон, оламшумул ишлар юз беряпти. Мени ҳам қутланлар. Истиқлолга эришдик. Энди ҳаммамиз мустақилмиз. Фарзандларимиз озод юрда униб ўсади. Мен бутун дунёга қайтадан келдим. Янгидан тугилгандекман. Энди менинг таваллуд куним бутундан бошлаб 31 август бўлади!

босқичлари, эришилган ютуқлар ва бунёдкорлик ишларини, мамлакатимиз суверен тараққиёт йўлидан илдам ва оғишмай бораётганини, жаҳондаги тинчлик инқирози шароитида мустақиллик — миллий ўзлик ва давлатчилик асоси эканини, янги Ўзбекистонда кенг қўлмили ислохотлар Учинчи Ренессанс бунёдкорларини юзага чиқаришга қаратилганини ёритиш масъулияти.

кучайтириш, уларнинг маънавий-маърифий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мавзуларида гап кетса, қандай қилиб сукут сақлаш мумкин? Қарорда тавсия қилинган “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”, “Ватан фидойилари”, “35 йиллик истиқлол йилномаси”, “Ватан манфаати — халқ манфаати!”, “Янги Ўзбекистон — эзгу мақсад, янги ҳаракат!”, “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари!”, “Мустақиллик — 35 йиллик шарафли йўл!”, “Бир Ватан — бир тақдир!” каби мавзуларнинг қай бирини этиборсиз қолдириш мумкин ахир? Бу мавзуларнинг ҳар бири, айниқса, сўнгги 10 йилдаги ислохотлар ва кенг қўлмили янгиланишлар катта ва салмоқли китоблар яратишга арзийди.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан танишиб, бехиётёр юқоридаги хотиралар хаёлимда жонланди.

Утган 35 йилда Ўзбекистон машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. 2017 йилдан бошланган янги тараққиёт босқичи эса юртимиз ҳаётида туб бурилиш ясади. Ҳаракатлар стратегияси ва тараққиёт стратегияси “Янги Ўзбекистон” атамасини ҳаётимизга оқиб киради. Бу ислохотларнинг бош мезони, юқорида келтирилганидек, “Инсон қадрини ўзига асос қилиб қўлади”, “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатидир. Давлатимиз раҳбарининг “Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бутун ижобий ўзгаришларни кўришни истайди” деган ҳаётбахш тамойили давлат органларининг халққа хизмат қилишини таъминлади. Иқтисодийнинг либераллаштирилиши, тадбиркорликка кенг йўл очилиши ва ижтимоий ҳўмия тизимининг кучайтирилиши натижасида одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди.

Утган 35 йилда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатидир. Давлатимиз раҳбарининг “Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бутун ижобий ўзгаришларни кўришни истайди” деган ҳаётбахш тамойили давлат органларининг халққа хизмат қилишини таъминлади. Иқтисодийнинг либераллаштирилиши, тадбиркорликка кенг йўл очилиши ва ижтимоий ҳўмия тизимининг кучайтирилиши натижасида одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди.



Энг аҳамиятлиси ва маънавият ва маърифат масаласига асосий ўрин берилди. Маънавият ва маърифат инсониятнинг ўзлиги, кўнгли ва эртаси масаласидир. Устоз Ғайбулла ас-Салом таъбири билан айтганда, “Йўқотилган ҳар қандай нарсанинг ўрни тўлади, бироқ бой берилган маънавий қадрият ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди”. Жаҳид боболаримиз илгари сурган маърифатпарварлик ғояларини бутун биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Улар илм-фан ва маърифат орқали миллатни уйғотишни мақсад қилган эди. Бутун биз Учинчи Ренессанс пойдеворини қўраётган эканмиз, аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш, аъёнларини тиклаш каби вазифалар маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланмоғи мақсадга мувофиқ.

Ҳаёт чархпалаги шу қадар тез айланар эканки, 35 йил у қадар катта мuddат эмасдек, биз яшаб турган ҳозирги замон доим шундай тинч, фаровон бўлгандек. Айниқса, ёш авлод наздида ҳамisha бутунги тараққиёт асрида яшаётгандекмиз. Аммо катта авлод вакиллари яхши билди — мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин босиб ўтилган машаққатли, бироқ янгиланиш ва ўзгаришларга бой йилларни орта қолдиришининг ўзи бўлмаган.

соҳасини ривожлантириш масалаларига масъул эдим. Қўл остида 3 ходим ишлар, барчаси мияси бутун, фаол ва ташаббускор йигитлар эди. Деҳқончилик, боғдорчилик ишларини энгиллаштириш, ҳосилдорлигини ошириш бўйича изланиш ҳамда тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиқиб, ўзим ва ходимларимнинг ғоя ҳамда тақлифларини жаҳвал шаклида тайёрлаб, ҳар чоракда ташкилот раҳбарига тақдим қилардим. Тақлифларимиз жўяли ва мангилки экани ҳақида марказдан ташакурнома келар, уларнинг муаллифи сифатида эса раҳбаримиз турли мукофотлар оларди. Бу ҳодиса бир марта эмас, мунтазам давом эта бошлади. Бўлимдаги ходимларнинг кўзига қарай олмай қолдим.

Тақдир экан, ҳарбий хизматимни ўташим 1989-1991 йиллари — миллатлараро низолар, миллий камситилишлар авж олган, собиқ иттифок сўнгги кунларини яшаб, парокандаликка юз тутётган даврларга тўғри келди. Бир мамлакат дейилса-да, амада фуқаролари (айниқса, ҳарбий қисмларда) жиққамуш бўлиш даражасига етган эди. Ким ва нима учун икки йилимни кетказганимни англаб-англамай Тошкентга қайтдим.

Раҳбаримизга: “Ахир бу ғоялар бизнинг бўлимига тегишли-ку. Ходимларни ҳам рағбатлантирайлик, улар ҳам меҳнати зое кетмаслигини билсин!”, дедим бир кун хонасига кириб.

1991 йил июлда ёшлар газетасида мусаҳҳиҳ сифатида иш бошлаганимда 20 билан 21 ёш ўртасида эдим. Таҳририятимиз Матбуотчилар кўчасидаги бинонинг 5-қаватида жойлашган. Унга ҳар кун кириб-чиқиб юрган одам 7 қаватли муҳташам иморатда ишлайдиган бошқа меҳнат жамоалари аъзолари билан ҳам кўзтаниш бўлиб кетаркан. Табиғатимиз мос келими, қўшин таҳририятдаги Маҳкам ака билан тез чиқиб кетдик. Куюқ саломалик қиладиган, бора-бора бирга тушликка чиқадиган бўлдик.

— Сен топшириқларни индамай бажаравер. Маош олялсанлар-ку. Марказ ўзи билди киمنى мукофотлашни-ю, киمنى рағбатлантиришни, — деди кўзини қақчайтириб. — Ўзларинг қолоқ, деҳқон халқ бўлсаларинг...

Айтишича, ёши мендан деярли икки мучал катта, яъни 42 да, ўзи Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидан. Иқтисодий иқтисодчи, яхши жой ва лавозимларда ишлаган. Соғлиги туфайли ва бошқа сабаблар билан энгилроқ иш излаб, 2-3 йилдан буён бир таҳририятда хўжалик ишларини бошқариб келётган экан. Ёшига нисбатан чуқур мулоҳазали, кўп ишга ақил етар, жўяли маслаҳат ва тавсиялар беради. Қизиқувчанлигим туфайли аввалги иши ҳақида сўрадим.

Кейинги гапи жонимдан ўтиб кетди, қон босимим кўтарилди. “Бу соҳада ишлаб олмаман”, деб ариза ёздим. Йигитлар ҳам бирин-кетин ишдан бўшади. Бундай адолатсизликлар ҳар соҳада, ҳар тармоқда учриб ётибди. Туз-насибам шу ерларда экан, таҳририятга келиб қолдим. Мана, ҳозир журналистлар орасиданман...”

“Иттифок марказига бевосита бўйсунадиган ташкилотда ишлаганман. Бўлим мудирини лавозимига тақдим қилдим, — дег гап бошлади Маҳкам ака. — Қишлоқ хўжалиги

Маҳкам ака шундан кейинги суҳбатларимизда халқимизнинг ер ости бойликлари, уни бошқалар ташиб кетаётгани, салоҳиятли миллий ва маҳаллий кадрларни юзага чиқармаслик сийбати авж олгани, энг кўйиндан энг юқори идораларда ҳам халқимизнинг миллий ғурури поймол этилаётгани ҳақида кўйиниб гапирарди.

Миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида курашган фидойи аждодларимиз орзу-умидларининг рўёби бўлиб, янги Ўзбекистонимиз барпо этишга қаратилган эзу ишларимизнинг мустаҳкам асоси, келажак авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадрият.

Нурота тоғ тизмаларини гўмбурлатиб қўшиққа солган Эргаш Жуманбулбул ўгли Қўшработ туманининг Қўрғон қишлоғида туғилиб, вояга етган. Жўш воҳаси дея таърифланадиган бу жой кейинги йилларда анада обод бўлаётир. Эргаш Жуманбулбул ўглининг уй-музейи янгиланган бинода фаолият бошлади. Эргаш шoirнинг уй-музейини кўргани келувчилар сезиларли даражада кўпайди.

# КўКЛАМ КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ БИЛАН КўРКАМ



Кўшработ Нурота ва Оқтов тизмалари оралиғида жойлашган. Худуд аҳолиси қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келган. Деҳқончилик махсуслотларидан асосан қора майиз етиштиради.

Яшил макон

Ҳар гал пойтахтдан қишлоққа борар эканман, қўшработлик шoir Равшан Файзининг “Кўнлима орзулар солган қишлоғим” сатрлари шу уримда айланаверади. Тоғлар чорлаётганга ўхшайди. Узоқ йиллар олдин шу юртга келиб бўлиб тушганман. Болаларим ҳар ёғи таътилда қирма-қир ошиб катта бўлди. Очиғини айтсам, мен Қўшработга — турмуш ўртоғимнинг юртига ундан кўп бораман. Баҳор ва кўз фаслидаги табииатни яхши кўраман.

Ҳар фаслда ўзгача тароват қасб этадиган тоғли қишлоқларимиз кўрки йилдан йил ўзгариб бормоқда. Бу дилга хавотир солади. Анча йил олдин тоғда ёввойи бодом, дўлана каби бута-дарактлар кўп бўлар, баҳорда гуллаб, кузда ҳосили тўкилиб ётарди. Аҳоли кўпайиши ва уйлар қурилиши, чорва молларининг тоғларда ўтлаши натижасида буталар камайиб, деярли йўқолиб кетди. Табиат ҳам эъзозга, меҳрга муҳтож. Унинг неъматларидан фойдаланиб, қаровсиз қолдириш тоғнинг флораси ўзгариб кетишига сабаб бўлади.

Қўшработнинг Учқўл дараларида қишлоқ аҳли тоғ бодоми, арча, дўлана каби дарактлардан иборат табиий флорани қайта тиклаш ишларини бошлади. Меваларнинг уруғи сараланиб, тоғ ёнбағирларига экиб чиқилди. Мингта яқин уруғ ва кўчатни Оллоёр Жонтоев бошчилигида қишлоқ аҳли, ёшлар ерга қадамоқда. Ақанинг айтишича, уруғ ва кўчатларни куз фаслида экиш иш унумдорлигини таъминлар экан. “Насиб этса, кузда бодом экиш ишларини яна давом эттирамиз”, дейди Оллоёр ака.

ёгингарчилик кўплицдан сел ва кўчкилар аҳолини қийнайди. Қаттиқ шамол ва бўронли кунлар уйларнинг томини учирган, электр

токи ўчган, симёғочлар қулаган... Матонатли одамлар ҳаммасини изга тушириб, ишини давом эттираверади.

Ҳар фаслда ўзгача тароват қасб этадиган тоғли қишлоқларимиз кўрки йилдан йил ўзгариб бормоқда. Бу дилга хавотир солади. Анча йил олдин тоғда ёввойи бодом, дўлана каби бута-дарактлар кўп бўлар, баҳорда гуллаб, кузда ҳосили тўкилиб ётарди. Аҳоли кўпайиши ва уйлар қурилиши, чорва молларининг тоғларда ўтлаши натижасида буталар камайиб, деярли йўқолиб кетди. Табиат ҳам эъзозга, меҳрга муҳтож. Унинг неъматларидан фойдаланиб, қаровсиз қолдириш тоғнинг флораси ўзгариб кетишига сабаб бўлади.

Қўшработнинг Учқўл дараларида қишлоқ аҳли тоғ бодоми, арча, дўлана каби дарактлардан иборат табиий флорани қайта тиклаш ишларини бошлади. Меваларнинг уруғи сараланиб, тоғ ёнбағирларига экиб чиқилди. Мингта яқин уруғ ва кўчатни Оллоёр Жонтоев бошчилигида қишлоқ аҳли, ёшлар ерга қадамоқда. Ақанинг айтишича, уруғ ва кўчатларни куз фаслида экиш иш унумдорлигини таъминлар экан. “Насиб этса, кузда бодом экиш ишларини яна давом эттирамиз”, дейди Оллоёр ака.

Баҳор келиши билан бошланган бу хайрли иш кўчатлар парвариши билан давом этмоқда. Чорва молларидан асраш, сугориш кўп меҳнат талаб қилади. Бунда Оллоёр Жонтоев ёшларни, меҳмонга келган қариндошларини, қишлоқдошларни ишга солмоқда. “Чумқуддан қўрққан тарик эмайди” деган гап бор. Табиат инжикликлари ва ташқи таъсирлар кўчатларни нобуд қилиши мумкин.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обуюани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов

Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева